Kuch – bilim va tafakkurda

Ma'rifat

МАЪРИФАТ • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ •

1931 йилдан чиқа бошлаган | 1999 йил 23 октябрь, шанба | Баҳоси сотувда эркин нархда | № 84 (7177)

Da'vat

Олтин ва кумуши бўлмаган одам камбағал эмас, балки эс-ҳуши ва касб-ҳунари бўлмаган киши камбағалдир.

Мажид ХАВОФИЙ

Ibrat

Бухоро вилояти Ромитан тумани марказида махсус спорт мактаб-интернати иш бошлади. Юз ўринга мўлжалланган бу муассасага бугунгача 25 нафар ёш спорт ихлосманди танлов асосида қабул қилинди.

JUMLADA JAHON

• Халқаро молия ҳамжамиятининг нуфузли журнали «Euromoneu» («Европул»)нинг баҳолашича, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки 1999 йилда Марказий Осиёдаги энг яхши банк деб эътироф этилиб, унга «Европул: Энг яхшиларга мукофот» кубоги ва тегишли сертификат берилди.

• Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигида асримизнинг забардаст ёзувчиси, Марказий Осиё халқлари Ассамблеяси Президенти, Қирғизистон Қаҳрамони Чингиз Айтматов ва республика Ёзувчилар уюшмаси раиси, Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла Орипов билан учрашув бўлиб ўтди.

• Пойтахтимиздаги «Ўзэкспомарказ»да Италия мамлакатининг технология ва ускуналари кўргазмаси очилди.

• CNN телекомпаниясининг хабарига кўра, АҚШ Сенати ядро синовлари ўтказилишини бутунлай таъқиқлаб қўювчи келишувнинг ратификация қилинишига қарши чиқди.

• Перу пойтахти Лима шаҳрида мамлакат президенти Алберто Фукиморога қарши аҳолининг намойишлари бўлиб ўтди.

• БМТ маълумотларига кўра, ҳозирги пайтда Африка қитъасининг бир қанча мамлакатларида озиқ-овқат муаммоси жуда жиддий тус олганлиги боис, Луганда, Конго, Уганда каби давлатларда узоқ вақт давомида қуролли ихтилофлар, беқарорликлар давом этмоқда.



ЗИЁ ТАРҚАТАЁТГАН КОЛЛЕЖ

Андижон тумани, Оқёр қишлоғида бунёд этилган саноат касб-ҳунар коллежида янграган карнай-сурнай садолари ёшларнинг қалбларида ғурур ва шодлик туйғуларини алангалатиб юборди. 300 ўқувчига мўлжалланган бу илм маскани 8 ойдаёқ битказилганига ҳеч ишонгинг келмайди. Бинога кириб боришингиз билан кўзларингиз оппоқ нурдан қамашиб кетади, гўё қуёш буларга ўзгача зиё сочаётгандай ёки бу илм-ҳунар масканининг ўзидан таралаётган зиёмикан, деб ўйлайсиз. Бу ерда 105-хўжаликлараро кўчма механизациялашган жамланма

Xushxabar

қурувчилари катта иш бажардилар. Коллежда бу йил ўқувчилар 4 та мутахассислик, яъни пайвандлаш иши, пойафзал ишлаб чиқариш, халқ истеъмол буюмларини моделлаштириш ва конструкциялаштириш (дизайн) ҳамда тикув ишлаб чиқариш бўйича энг замонавий усулда таълим оладилар. Фан ва амалиёт хоналари Япония ва Кореяда ишлаб чиқарилган энг замонавий компьютерлар, керакли ускуналар билан жиҳозланди. Шунингдек, бу ерга кирувчилар дунё андозаларига мос спорт иншоотларидан фойдаланишади.

Жалолиддин ТУРДИЕВ,
журналист

Суратда: янги коллежнинг умумий кўриниши

Ўқитувчи ён дафтарига

ДЕНГИЗ АФЗАЛ

Олимларнинг фикрича, пингвинлар бундан миллион йиллар муқаддам росмана қушдек парвоз қила билишган. Бироқ, уларнинг емишлари асосан денгизда бўлганлиги сабабли аста-секин сувда сузишга мослашиб, учиш қобилиятини йўқота борганлар.

МУСТАҲКАМ ТОЛА

Инсон сочи мустаҳкамлиги билан ажралиб туради. Мутахассислар ўтказган тажрибалар хулосасига қараганда, мустаҳкамлик жиҳатидан соч толасига фақат пўлатгина тенглаша олади. Ўртача йўғонликдаги бир дона соч толаси 100 грамм оғирликдаги юкни кўтара олар экан.

ЯНГИЧА УСУЛ

Эндиликда Олмония мактабларида ўқувчилар билимини баҳолашнинг яна бир усули қўлланила бошланди. Гап шундаки, Штутгарт шаҳридаги нашриётлардан бири саҳифаларида хатолар бисёр бўлган ўқув китобини чоп этди. Дарсда қайси ўқувчи китобдан кўпроқ хато топса, ўша ўқувчининг билими яхши баҳоланади.

ЎЗ ҲИДИГА ЭГА

Маълумки, уянинг оғзида турган соқчи асалари ҳар бир ишчи асаларини аввал обдон «тафтиш» қилиб, сўнгра ичкарига киритади. Олимларнинг фикрича, «тафтиш» чоғида ҳар бир асалари ўзининг махсус ҳид қопчасини очиб, фақат ўзигагина хос бўлган ҳид чиқаради ва уяга кириш ҳуқуқига эга бўлади.

ЕХҲТ ВАКИЛЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВ

Шу кунларда мамлакатимизда Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик Ташкилоти (ЕХҲТ) Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюросининг делегацияси меҳмон бўлиб турибди. Мадлен Строж-Уилкинс хоним раҳбарлигида "Эҳтиёжларни баҳолаш миссияси" деб номланган бу мутахассислар гуруҳининг фаолияти Ўзбекистонда парламент ва президент сайловларига тайёргарлик жараёни билан танишиш, бу тадбирларга ЕХҲТ кузатувчиларини юбориш имкониятларини ўрганишга қаратилган.

Мазкур делегация Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясига ташриф буюрди. Меҳмонлар билан учрашувда комиссия раиси Н.Комилов Ўзбекистонда сайловларга тайёргарлик жараёни ҳақида сўзлади. Олий Мажлис депутатлиги ва Президентликка сайлов бўлиб ўтадиган саналар белгиланганидан буён комиссия томонидан амалга оширилган ишлар билан таништирди.

Сайлов комиссиясининг биринчи галдаги вазифаси сайловларни ташкиллаштириш ва бу жараёнда сайлов тўғрисидаги қонунчиликка қай даражада риоя этилаётганини назорат қилиб боришдан иборат. Шуниси диққатга сазоворки, Ўзбекистонда бу вазифалар билан бир қаторда, сайловчиларнинг ҳуқуқий маърифатлилигини ошириш, уларни сайловга оид қонунлар, ўз ҳуқуқ ва эркинликлари билан яқиндан таништириш борасида ҳам кўплаб тадбирлар амалга оширилмоқда. Марказий сайлов комиссиясининг бевосита раҳнамолигида барча номзодлар учун тенг шароит яратилмоқда. Шунингдек, Марказий сайлов комиссиясининг матбуот маркази тузилиб, бу ишга маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари ҳам кенг жалб этилаётир. Олий Мажлис депутатлигига сиёсий партиялар ҳамда маҳаллий ҳокимиятлар томонидан илгари сурилган номзодлар билан бирга, ташаббус гуруҳлари илгари сурган номзодлар ҳам рўйхатга олинмоқда. Бугунга келиб, 260 дан зиёд ана шундай гуруҳ расман рўйхатдан ўтган, жараён эса ҳали давом этяпти.

Учрашувда меҳмонлар Марказий сайлов комиссиясининг фаолиятига юқори баҳо берди. Айтиш жоизки, бу биринчи эътироф эмас. ЕХҲТ раҳбарияти Марказий сайлов комиссияси билан илгариги мулоқотлар чоғида, шунингдек, ўзаро ёзишмаларда Ўзбекистонда сайловларга ҳозирлик кўриш жараёнининг боришидан мамнуният изҳор этган.

Мулоқот чоғида ЕХҲТ делегацияси аъзолари ўзларини қизиқтирган масалалар юзасидан атрофлича маълумот олди, томонлар ўзаро алоқаларни янада ривожлантириш борасида фикр алмашди.

(ЎзА)

Yangicha ish usuli

ТАРБИЯДА ТАНАФФУС БЎЛМАЙДИ

Шу йилнинг июнь ойида Президентимиз Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги мухбирининг саволларига жавобларида мактаблар, лицей ва касб-ҳунар коллежларида бевосита маънавият масалалари билан шуғулланадиган масъул лавозим ҳақида фикр айтилган эди. Хўш, айни кунларда ушбу лавозим эгалари қандай юмушларни амалга оширмоқдалар? Улар қанақа ёки қайси усул ва шаклларда иш олиб боришаяпти? Ҳозир мактаб маънавий-маърифий тарбия ишлари бўйича директор ўринбосарининг мактаб директори, синф раҳбари, фан ўқитувчилари, ота-оналар қўмитаси, маҳалла аҳли, жамғармалар ва ҳомий ташкилотлар билан ҳамкорликдаги ишлари қай даражада? Бугунги мулоқотимизда шулар хусусида гап боради.

Сирасини айтганда, Тошкент шаҳридаги 237-мактаб жамоасининг оила, маҳалла, кенг жамоатчилик ҳамда ҳомий ташкилотлар билан таълим-тарбия йўлида амалга ошираётган ишлари кенг жамоатчиликка маъқул бўлаётир. Усмон Юсупов номидаги маҳалла аҳлининг, ота-оналарнинг мактабга боши қовуша бошлади. Ўғил-қизларнинг билим даражалари яхшиланди. Жамоа бунга қандай эришди? Таълим-тарбиянинг қайси усул ва йўналишларидан фойдаланилди? Улар иш режаларини қандай ва қай тарзда тузмоқдалар? Мухбиримизнинг ана шундай саволларига мактабнинг маънавий-маърифий тарбия ишлари бўйича директор муовини Мамфаат Одилова қуйидагича жавоб берди:

— Аввало, ҳар бир мактаб жамоаси раҳбари, унинг муовинлари ва барча ўқитувчиларнинг бир неча йилларга мўлжалланган иш режаси бўлиши зарур. Бундан ташқари, уларнинг йиллик, ойлик, ҳафталик режасида яқин кунлардаги вазифалари акс этиши лозим.

Мактабимизда «Синф раҳбарларининг ва фан ўқитувчиларининг маҳалла қўмитаси билан ҳамкорлиги ҳақида»ги Низом бор. У 14 та банддан иборат бўлиб, унда ҳар бир муаллимнинг бурч ва вазифалари белгилаб қўйилган. Масалан, Низомнинг 7-бандида «Ўқувчи майда безорилик қилган ёки қонунбузарликка йўл қўйган тақдирда, синф раҳбари шогирди қилмиши учун маҳалла қўмитаси, шунингдек, юқори ташкилот олдида шахсан ўзи жавоб беради» дейилган. Бу ўқитувчи масъулиятини ўз вазифасига нисбатан яна бир карра оширади.

Низом асосида мактаб ва маҳалла ҳамкорлигида олиб борилаётган ишлар, шунингдек, синф раҳбарлари, кутубхоначилар, хотин-қизлар кенгаши, «Қизлар клуби», «Меҳр-шафқат гуруҳи», «Камолот» ёшлар ташкилоти, шифокорлар, мактаб ёнидаги ҳарбий қисм, балоғатга етмаганлар инспекцияси, ҳомий ташкилотлар билан ҳамкорликда қилинадиган юмушлар режаси ҳам тузилган.

(Давоми 2-бетда)

ОБУНА — 2000

Ҳурматли таълим-тарбия муассасалари раҳбарлари, ўқитувчилар, тарбиячилар!

Республикамизнинг барча даврий нашрлари қаторида Сизнинг ҳаммаслагингиз, дастёрингиз «Ma'rifat» газетасига ҳамда «Таълим тараққиёти» ахборотномасига 2000 йил учун обуна жараёни давом этмоқда.

«Ma'rifat» нашр индекси:
якка обуначилар учун – 149,
ташкилотлар учун — 150
«Таълим тараққиёти» нашр индекси:
якка обуначилар учун – 1056,
ташкилотлар учун — 1057

Mutaxassis fikri

ТАРИХИЙ ТАФАККУР ТАЛҚИНИ

Олий Мажлиснинг IX сессиясида ўқув дастурларини замонавий талабларга мослаштириш, истиқбол ва келажагимизни кўзлаган ҳолда тузиш ва жорий этиш асосий вазифалардан бири сифатида қайд этилганди. Бугун қўлимизга Халқ таълими вазирлигининг «Таълим тараққиёти» Ахборотномасиниинг 2-махсус сони етиб келди. Ундан замонавий талабларга мос, истиқболли умумий ўрта таълимнинг стандарти, ўқув дастурлари ўрин олган.

«Ахборотнома»нинг ўзига хос хусусияти, мен каби минглаб тарих ўқитувчиларини қувонтирган томони шуки, унда «Ўзбекистон тарихи», «Жаҳон тарихи», «Давлат ва ҳуқуқ асослари»дан биринчи маротаба давлат таълим стандарти ва ҳаққоний тарихимизни, бой маънавий меросимизни, буюк қадриятларимизни ёшларга ўргатиш бўйича ўқув дастурлари эълон қилинган.

Хўш, биз «Давлат таълим стандарти» деганда нимани тушунамиз? У бизга нима беради?

Стандарт — билим , кўникма ва малака бўлиб, йил давомида ўқувчига бериладиган билимлар миқдори ва сифатининг ўлчовидир. ДТСда ўқувчи бир йилда «Ўзбекистон тарихи» курсининг кириш қисмидан хулосасигача тарихий ижтимоий-сиёсий жараённи қандай тушуниши, қандай билимларни эгаллаши, шу курс мазмуни бўйича мустақил фикр юрита олиши зарурлиги қайд этилган.

Республикамизда биринчи маротаба ишлаб чиқилган ушбу янги ДТСнинг «Асосий қоидалари»да айтилганидек, давлат таълим стандарти таълим мазмуни, шакллари, воситалари, усулларини, унинг сифатини баҳолаш тартибини белгилайди.

Тарих таълими мазмуни ва мақсади ўқувчиларда тарихий тафаккурни шакллантиришга хизмат қилмоғи лозим. Фақат ҳаққоний тарихни ўрганиш, аждодларимиз яратган маънавий мерос асосида шаклланган тафаккургина ҳақиқий мустақил миллий тафаккур бўла олади. Дастурларда ўрта асрнинг буюк мутафаккирлари Мусо Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Абу Носир Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Маҳмуд Замахшарий, Юсуф Ҳамадоний, Абдуҳолиқ Ғиждувоний, Аҳмад Яссавий, Нажмиддин Кубро ва бошқа алломалар ва уларнинг мероси ҳамда миллий қаҳрамонлар, саркардалар, давлат арбоблари ҳақида тўлиқ билим олишга етарли даражада ўрин берилган.

(Давоми 3-бетда)

ТАРБИЯДА ТАНАФФУС БЎЛМАЙДИ

(Боши 1-бетда)

Дейлик, синф раҳбарлари иш режасига кўра, ҳар ойда «Маънавий баркамол инсонни тарбиялаш - барчанинг иши», «Баркамол авлод — Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори», «Ўқувчиларни тарбиялашда миллий урф-одатлар, анъаналарнинг ўрни» каби мавзуларда маъруза қилишади, машғулотлар ўтказишади. Раҳбарият эса, бу юмушларни янада яхшилаш юзасидан ўқитувчиларнинг фикрини эшитади, баҳамжиҳатликда мавзулар бойитилади.

— Фикрингизга қараганда, фарзандларнинг вояга етишида муаллимнинг ўзига хос режаси, усули, ўрни бўлади. Сиз кўпинча уларга қандай ўгитларни айтасиз ёки кўпроқ нималарни уқтирасиз?

— Саҳиҳ ҳадисларда «Чинга бориб бўлса ҳам илм иста, ҳунар эгалла!» дейилади. Зеро, ««Илм эгалланг! Илм—сахрода дўст, ҳаёт йўлларида таянч, ёлғизлик дамларида йўлдош, бахтиёр дақиқаларда раҳбар, қайғули онларда мададкор, одамлар орасида зебу зийнат, душманларга қарши курашда қуролдир!» каби фикрлар инсонларни илмга ундамояптими?!. Бундай ибратли ўгитларни ўқувчиларимга бот-бот такрорлайман. Чунки уларда ҳаётий ҳақиқат мужассам. Кимки билимли экан, замон ўшаники!

— Йигирма беш йилдирки, қадрдон мактабингиз ёшларига таълим-тарбия бериб келаётирсиз. Шу билан бирга ТШЎМОИда курс тингловчиларига маъруза қиласиз. Маърузаларда асосий эътиборни нималарга қаратасиз?

— Биласизми, тингловчилар курсларда кўп ҳолларда тажриба алмашишади. Шу боис, муаллимлар олдига билим тушунчаларини, тарбиявий машғулотлардаги фикрларни ўқувчилар онгига қай тарзда ва қандай етказасиз, деган саволни кўяман. Кўрибсизки, аудитория жонланади. Мулоқотларда янги жараён юзага келади, руҳиятлар ўзгаради. Шу аснода фикрларимни айтаман. Ота-оналарни билиш учун алоҳида, ўқувчиларни ўрганиш учун алоҳида савол-жавоблар ўтказиш борасидаги тажрибамни баён қиламан. Аслида, мустақил савол-жавоблардан сўнггина муаллим, синф раҳбари ўз ўқувчисининг руҳий ҳолатини тушуниб етади. Шу билан бирга унинг қай муҳитда тарбия топганига етарлича эътибор бериб ўрганса, муаллим юмуши янада осонлашади. Бу билан муаллимлар шогирдлари тарбиясига ҳамда таълим олишига яқиндан ёрдам бериш имкониятига эга бўладилар.

— Баъзи оилалар болага таълим-тарбия бериш фақатгина мактабнинг вазифаси, деб ҳисоблайдилар. Бунга қандай қарайсиз?

— Муаллимга кўп нарса боғлиқ. Гўё у сарбон, яхшиликка, эзгуликка етакловчи шахс. Қадим-қадимданоқ юртимизда устозларга худди шундай назар билан қараш-ган, уларнинг илму одоби юксак қадрланган. Устозлар, мураббийлар шахсига, оиласига алоҳида ҳурмат билдирилган. Бир сўз билан айтганда, муаллимлар обрўси жуда юқори бўлган. Фарзанд тарбияси ва таълими уларга ишониб топширилган ва бу жараён устоз вазифаси сирасига кирган.

Мактаб нафақат болани, балки оилани ҳам тарбиялаш маскани деб ҳисоблайман. Шу ўринда бўлажак оила бошлиқлари — мактаб партасида ўтирган ўқувчиларимиз эканлигини ёддан чиқармаслигимиз керак. Улар ҳозир ўз олдиларидаги бурч ва масъулиятларини бир оз унутиб қўяётганга ўхшаётирлар. Баъзи мактаблардаги ота-оналар йиғилишига фақат оналар ташриф буюришларини кечирилмас ҳол, деб баҳолаш жоиз. Негаки, оилада, бола тарбиясида отанинг мавқеи, ўрни бўлакчалиги азалдан маълум. Демоқчиманки, тарбияда танаффус, ўрин алмашиш бўлмайди. Унда ҳамма-ҳамманинг мустақил ўрни бўлиши шарт.

Шу аснода муаллимлар, синф раҳбари сифатида тарбиявий ишни нимадан бошламоқчиман? Иш режамни бажаришга имконият етарлими? Ўқувчиларимнинг қай муҳитдан келаётганини ҳисобга олдимми? каби саволлар устида яна бир карра мулоҳаза қилсалар, фойдадан холи бўлмайди. Назаримда, ишбилармон раҳбар, унинг муовинлари таълим ва тарбияда яхши, ижобий натижаларга эришмоқчи бўлишса, албатта, синф раҳбарлари ўқишига эътибор беради. Бўлажак синф раҳбарлигига номзодларни эса бир-икки йил аввал танлаб, тарбиялаб боради.

— Ҳозирги жамиятда тўғри тарбиягина билим олишга бевосита йўлланма бера олади, дейишади. Албатта, бу гапда жон бор. Бунга эришиш учун синф раҳбарларига қайси йўналишларга асосий эътиборни қаратишни тавсия этасиз?

— Аслида ўрта мактаб ўқувчига ҳаётда асқотадиган энг зарур кўникма ва билимларни ўргатади. Уларни пухта ўзлаштирган ўғил-қиз ўзўзидан жамият тараққиётига кўпроқ ҳисса қўшиш учун ўз мактаби ва муаллимларидан йўлланма, кафолат олади. Бир сўз билан айтганда, мактаб — илм маскани, тарбиянинг туб ўчоғи десам, янглишмаган бўламан. Лекин у ҳамкорлик педагогикасига суянгандагина ижобий натижа беради. Бунинг учун синф раҳбарлари ўз фаолиятларини уч йўналиш(тарбиявий соатлар, синф соатлари, мактаб ва мактабдан ташқари ўтказиладиган тарбиявий соатлар)да олиб борсалар, мақсадга мувофиқ бўлади...

Учинчи йўналиш – умумий тарбиявий соатларнинг мақсади, синф раҳбарининг иш тажрибасини кўрсатиш, ўқувчилар фаоллигини, билимдонлигини мактабдан ташқарида намоён этиш, уйда, оилада, тўгаракда бажариладиган ишларни ота-оналар, ака-укалар, қариндошлар ҳамкорлигидаги ишлар билан мувофиқлаштириш, мужассамлаштириш, иқтидорли ўқувчиларни аниқлаш, ижодкор ёшларни тарбиялаш, сафларини кенгайтириш, ҳар бир ўқувчининг бўш вақти бекор ўтмаслиги ҳақида уларда онгли равишда тушунча ҳосил қилдиришдан иборат. Қисқаси, синф раҳбари синфдан ташқари ишларнинг йўналишларини ҳисоблаб, кимлар билан ҳамкор ҳолда иш олиб боришини ўринлатиб, сўнгра фаолиятни мунтазамлилик асосида олиб борса, тарбияда ҳам, таълимда ҳам муваффақиятларга эриша оладилар.

Курбонбой МАТҚУРБОНОВ суҳбатлашди



Суратда: Мамфаат Одилова навбатдаги машғулотини ўтказаётир.

Равиль АЛЬБЕКОВ олган сурат.

ОЛИМЛАРНИНГ АЙТАР СЎЗИ

Ҳар қандай жамият ғоялар бирлигидан иборат ва у шу асосда бошқарилади. Модомики, ғоялар жамиятни тутиб турувчи куч экан, унинг софлигига, миллийлигига эътибор қаратиш лозим бўлади.

Минбарга кўтарилиб, бу ҳақдаги ўз фикр-мулоҳазаларини айтишга чоғланган олимлар анчагина эди.

Абдулҳафиз Жалолов — ЎзР ФА фалсафа ва ҳуқуқ институти директори, фалсафа фанлари доктори:

—Демократик жамият қураётган Ўзбекистонга соф миллий мафкуравий «озуқа» керак. Буни ким яратади? Табиийки, олимлар ҳам бунда иштирок этиши керак.

Ҳалим Бобоев — Тошкент Давлат юридик институти ректори, ҳуқуқшунослик фанлари доктори, профессор:

—Сир эмаски, қайсидир йилларда барча таълим даргоҳларида Екатеринанинг фармонлари ҳақида маълумот берилар, «Темур тузуклари» ҳақида эса лом-мим демасдик.«Давлат» ва «ҳуқуқ» атамаларини таърифлашда табиатга яқинлашишимиз керакка ўхшайди. Чунки улар бир бутун тушунча. Инсон ҳуқуқларини биз кўпинча жиноят билангина боғлаймиз. Бўлғуси юристлар орасида «Мен прокуратурада ишлайман» деювчилар кўпроқ. «Адвокат бўламан, яхши юрист бўлмоқчиман» дегувчилар топилармикан?

Саид Шермуҳамедов — фалсафа фанлари доктори, профессор:

—Миллий ғояларнинг ҳаммаси ҳам тараққиётга хизмат қилмайди. Фашистлар Германияси, ислом фундаментализмида ҳам миллийлик мавжуд. Лекин улар қўпорувчиликка хизмат қилади ва жамиятни остин-устун қилишни кўзлайди. Табиийки, миллий ғоя ўз-ўзидан вужудга келмайди. Унинг менталитети мавжуд.

... Ҳақиқат баҳсларда туғилади. Баҳслар эса йиғинларда. И.Мўминов номидаги фалсафа ва ҳуқуқ институтида бўлиб ўтган илмий-амалий анжуман баҳсларда туғилган ҳақиқатнинг бир кўриниши бўлди. Бу ерга тўпланган файласуфлар — доктор, профессор, доцент, аспирантлар «Миллий ғоя — мустақил Ўзбекистон тараққиётининг қудратли омили» мавзуси юзасидан баҳсга берилдилар.

Агар олимлар баҳси жамият тараққиётига хизмат қилса, таклифларида жон бўлса, мунозаралари фикр уйғотса, демак бундай мажлисларнинг бўлиб тургани яхши.

Ҳ.КУЗМЕТОВА

Saylov savodxonligi

САВОЛЛАРГА ЖАВОБЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзоднинг ишончли вакиллари қанча бўлади ва улар қандай ишлар билан шуғулланади?

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Қонунининг 29-моддасида бу хусусда шундай дейилган:

— Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод 15 нафарга қадар ишончли вакилларга эга бўлишга ҳақлидир. Ишончли вакиллар номзодга сайлов кампанияси ўтказишда ёрдам берадилар, уни Ўзбекистон Республикасининг Президенти этиб сайлаш учун тарғибот олиб борадилар, давлат ва жамоат ташкилотлари, сайлов комиссиялари билан бўладиган муносабатларда номзоднинг манфаатини ҳимоя қиладилар. Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзоднинг тақдимномасига кўра, ишончли вакилларни Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси рўйхатга олади. Марказий сайлов комиссияси уларга тегишли гувоҳномалар беради.

2. Олий Мажлис депутатлигига номзодларнинг бевосита ва билвосита сайловчилар билан учрашувлари, сайловолди ташвиқотлари, сиёсий партиялар ва депутатликка номзодларнинг дастурлари билан танишув жараёни қандай амалга оширилади?

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонунининг 25-моддасидан ушбу саволга жавоб олиш мумкин:

— Сайловолди ташвиқоти депутатликка номзодлар Марказий сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олинган кундан эътиборан бошланади.

Депутатликка номзодларга, сиёсий партияларга Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан белгиланадиган тартибда оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда тенг ҳуқуқ берилади. Депутатликка номзодларга ўз сайловчилари билан ҳам йиғилишларда, ҳам сайловчилар учун қулай бўлган бошқа шаклда учрашувлар ўтказишда тенг ҳуқуқ берилади. Сайловчиларнинг йиғилишлари участка сайлов комиссияси томонидан туман, шаҳар ҳокимлиги билан биргаликда ташкил этилади. Сайлов комиссиялари, туманлар ва шаҳарларнинг ҳокимликлари Олий Мажлис депутатлигига номзодларга йиғилишлар ўтказиш учун жиҳозланган бинолар ажратадилар. Йиғилишлар ва учрашувлар ўтказиладиган вақт ва жой сайловчиларга барвақт хабар қилинади.

Давлат органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг раҳбарлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари депутатликка номзодларга сайловчилар билан учрашувлар ўтказишни ташкил этишда, зарур маълумот ва ахборот материаллари олишда ёрдам кўрсатишлари шарт.

Сиёсий партияларга ўзининг келгуси фаолият дастури билан чиқиш ҳуқуқи берилади. Партиялар ва депутатликка номзодларнинг дастурлари республиканинг суверенитети, яхлитлиги ва хавфсизлигига қарши қаратилган бўлмаслиги, халқнинг соғлиғи ва маънавиятига тажовуз қилмаслиги, унда уруш, миллий адоват, ирқий ва диний хусумат тарғиботи, конституциявий тузумни зўрлик билан ўзгартиришга, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликларини камситувчи хатти-ҳаракатларга даъват бўлмаслиги керак.

Ташвиқотнинг сайловчиларга бепул ёки имтиёзли шартларда товарлар бериш, хизматлар кўрсатиш (ахборот хизматлари бундан мустасно), шунингдек, пул маблағлари тўлаш билан қўшиб олиб борилиши тақиқланади.

Сайлов куни ташвиқот юритишга йўл қўйилмайди.

O'zbekiston—Germaniya

Германиянинг «Siemens» фирмаси ҳозирги вақтда жаҳондаги энг катта электротехник концернлардан бири бўлиб, 190 дан ортиқ мамлакатда фаолият кўрсатмоқда. Маълумотларга қараганда, ушбу фирманинг бир йиллик айланма маблағи ҳажми 106 миллиард немис маркасидан ошиб кетган. Фаолият доираси энергетика, алоқа, транспорт, тиббиёт, электроника ва бошқа бир қатор тармоқларни ўз ичига олади.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигида ушбу фирманинг тақдимоти бўлиб ўтди. Тақдимотда «Siemens» фирмаси ҳамда унинг ўқув асбоб-ускуналарини ишлаб чиқариш бўйича ҳамкори «Wicro» фирмаси фаолиятлари ёритилди.

«SIEMENS» ТАЪЛИМГА ЮЗ БУРМОҚДА

- Бугунги тақдимотдан асосий мақсад, — деди «Siemens» фирмасининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси Комплекс тизимлар ва техник хизматлар департаменти директори Евгений Добрев, — ушбу фирмалар маҳсулотлари, айниқса, таълим соҳасига йўналтирилган ўқув асбоб-ускуналарини Ўзбекистон таълим тизимига, жумладан, янги ташкил қилинаётган академик лицейлар ҳамда касб-ҳунар коллежларига етказишдир. Шунингдек, ушбу фирмалар ваколати доирасига ўзбекистонлик мутахассисларнинг Германияга сафари ҳам кириб, ушбу сафар чоғида уларнинг ўз ҳамкасблари билан ўзаро мулоқотлари кўзланган.

Тақдимот давомида республика ОЎМТ вазирлиги, ЎМКҲТ маркази тасарруфидаги таълим муассасалари ходимлари германиялик мутахассислар билан мулоқотлар олиб боришди. Тадбирда республика ОЎМТ вазирлиги ҳамда ушбу фирмаларнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ходимлари иштирок этдилар.

Нурлан УСМОНОВ

Rasmiy bo'lim

«ЙИЛ МАКТАБИ» КЎРИК-ТАНЛОВИ ЎТКАЗИЛАДИ

Яқинда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг республика халқ таълимини янада такомиллаштириш, туман (шаҳар), вилоят ва республика миқёсида Давлат таълим стандарти талаблари асосида янги педагогик технологияларни таълим-тарбия жараёнига татбиқ этаётган илғор педагогик жамоаларга эга бўлган мактабларни аниқлаш, Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 13 майдаги «Ўзбекистон Республикасида умумий ўрта таълимни ташкил этиш тўғрисида»ги 203-сонли қарорининг бажарилиши бўйича республикада ташкил этилган тажриба-синов майдонлари иши ва натижаларини ўрганиш, уларни рағбатлантириш ва илғор педагогик тажрибаларни оммалаштириш мақсадида «Ўзбекистон Республикаси «Йил мактаби» кўрик-танловини ўтказиш ҳақида»ги 176-сонли буйруғи қабул қилинди. Ушбу буйруққа биноан, Ўзбекистон Республикаси «Йил мактаби» кўрик-танловини ўтказиш Низоми, республика Ташкилий қўмитаси ва ҳокамлар ҳайъати аъзолари рўйхати тасдиқланди.

Низомга кўра, танловда мактабнинг тури, танлаб олинган йўналиши, педагогик жамоаси, моддий таъминоти, ўқув ва услубий адабиётлар билан таъминланганлиги, таълим-тарбия ишига Давлат таълим стандартлари асосида педагогик технологияларни жорий этиш, таълим жараёнида алломалар, мутафаккир—мураббийларнинг таълим-тарбия борасидаги меросини ўрганиш ва амалда қўллаш, ўқувчиларнинг маънавий-маърифий фазилатларини бойитиш борасида олиб бораётган ишлар кўрсатиб берилиши лозим. У ерда маданий қадриятлар ва анъаналарни тиклаш ва улардан фойдаланиш, миллий ҳунармандчиликка муносабат, ижодий ишлаётган ўқитувчиларнинг оммалаштиришга лойиқ тажрибаси, ўқитувчилар, ўқувчилар ва ота-оналар ўртасида инсонпарварлик муносабатларини шакллантириш йўллари, ўқувчиларга чуқур билим бериш, уларни мустақил фикрлашга ўргатишнинг самарали усул ва услублари муҳим ўрин тутади. Шу билан бирга мактаб, туман (шаҳар)да ўтказиладиган олимпиадаларда, кўрикларда, иқтидорли болалар танловларида ўғил-қизларнинг иштироки ва совринли ўринларни эгаллаши, 11-синф битирувчиларининг ўқув юртларига, 9-синф битирувчиларининг ўқишга тортилиши, болалар ўртасида қонунбузарликнинг бўлмаслиги, ўқувчиларнинг онгини юксалтириш омиллари, уларни ижодий ишлар ва тарбиявий тадбирлар билан банд қиладиган турли клуб, музей, ташкилот ва тўгараклар фаолияти ҳам асосий кўрсаткичлар ҳисобланади.

«Йил мактаби» кўрик-танлови Низомда кўрсатилган муддатларда уч босқичда ўтказилади. Шу боис Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлигига, барча вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ таълими Бош бошқармаларига қатор вазифаларни бажариш топширилди. Кўрик-танлов мақсад ва вазифаларини, унга қўйилган шарт ва талаблар бўйича барча педагогик жамоаларда оммавий тушунтириш ишларини олиб бориш, кўрик-танловнинг 1-босқичини (октябрь ойида туман (шаҳар)ларда) ва 2-босқичини (ноябрь ойида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида) ўтказиш бўйича ташкилий қўмита ва ҳакамлар ҳайъатини тузиб, тасдиқлаш, маҳаллий ҳокимиятлар, ҳомий ташкилотлар ёрдамида мактабларни кўрик-танловга тайёрлаш, уларнинг моддий-техника таъминотини яхшилаш бўйича аниқ тадбирларни амалга ошириш ҳам шулар сирасига киради.

Бундан ташқари, Режа ва молия бош бошқармаси (Ш.Гуломов), Таълим-таъминот бош бошқармаси (Б.Ҳамидов), Кадрлар бошқармаси (Ҳ.Нуъмонов), Умумий ўрта таълим бош бошқармаси (М.Шафиев), республика Таълим маркази (Г.Алимова)га ҳам кўрсатма ва топшириқлар берилган.

Соҳа газета ва журналлари бош таҳририятларига кўрик-танловнинг 3-босқичи иштирокчилари ва голиблари бўлган мактаблар фаолиятини матбуот саҳифаларида кенг қуламда ёритиб бориш вазифаси юклатилган. Халқ таълими вазирлиги матбуот маркази эса кўрик-танловнинг 3-босқичи (декабрь ойида Тошкент шаҳрида) ўтказилиши ва унинг голиблари ҳақида радио ва телевидениеда ахборотлар ва кўрсатувлар берилишини ташкил этиш ишларига бош-қош бўлади. Кўрик-танловнинг 3-босқичида Ўзбекистон Республикаси «Йил мактаби» аниқланади. Муҳими, голиблар Халқ таълими вазирлиги, республика таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси, ҳомийлар томонидан тақдирланадилар.

ФАН ВА ҲАЁТ УЙҒУНЛИГИ

Milliy dastur — amalda

Фан барча замонларда инсон манфаатини кўзлайди. У мураккаб жараёнларни осонлаштиради, турмушга янгилик ва ихтиролар олиб киради. Бинобарин, фан ҳаётни ўрганар экан, унинг инъикосида изланиш ва тадқиқотлар умумлашмаси ётади.

Амалдаги миллий дастур кадрлар тайёрлашнинг ўзбекона моделини тавсия этади. **Шахс, давлат ва жамият. Узлуксиз таълим.** Ва ниҳоят, энг сўнггиси, **фан ва ишлаб чиқариш.**

Республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги ихтиёридаги травматология ва ортопедия илмий текшириш институти мисолида фан ва ҳаётнинг узвий боғлиқлигини кузатиш мумкин.

БИР ШИНГИЛ ИНСТИТУТ ТАРИХИДАН

Ташкил этилган йили — 1932 йил. Травматология-ортопедия ва суяк сили касалликлари илмий текшириш институти қошида 50 ўринли клиника билан иш бошлаган. 1940 йилда институт тугатилди. Унинг клиникаси ТошМИга кўчирилди. Ортопедия диспансери ва кеча-кундуз ишловчи травматология маркази алоҳида муассаса сифатида фаолият кўрсата бошлади.

1946 йилнинг 1 январи...

Илмий текшириш институти қайтадан тикланди.

ҲОЗИРГИ АҲВОЛИ ҲАҚИДА

Институт жамоаси 300 кишидан иборат. Шундан 45 нафари илмий ходимлардир. 7 киши фан доктори, фан номзодлари эса 17 нафар.

Институт қошида 200 ўринли клиника мавжуд. Бўлимлар эса 8 та. Катталар учун жароҳат, болалар жароҳати, компрессион-дистракцион остеосинтез, болалар ортопедияси, йирик бўғимлар ва умуртқа поғонаси патологияси, туғма сон чиқиши ва сколеоз, рентген ва лаборатория, ташкилий -услубий бўлимларда илмий-текшириш ишлари билан бирга инсон саломатлигини сақлашга доир вазифалар адо этилмоқда.

ИЛМИЙ ЙЎНАЛИШЛАР МАЗМУНИ

Мақоламизнинг бошланиш қисмида фан ва ҳаётнинг узвий боғлиқлиги институт мисолида ўзининг ёрқин ифодаси топганига ишора қилган эдик.

Турмуш турли тасодифларга тўла. Ҳеч биримиз эртага нима бўлишини билмаймиз. Турли шикастланиш ва жароҳатларни даволаш институт шифокорлари зиммасидадир. Шуниси диққатга сазоворки, кейинги 5 йил мобайнида республикамиз миқёсида катталар ва болалар ўртасида жароҳатланиш анча камайди. 1995 йилда бу кўрсаткич 592804 та деб қайд қилинган бўлса, 1998 йилда 545685 тага тушди.

Соғлиқни сақлашнинг замонавий тиббий асослари, аслида илмий жиҳатдан исботланади. Беморларни ўрганиш жараёнида маълум бир касалликнинг келиб чиқиш сабаблари, унинг танага таъсири, шунингдек даволаш чора-тадбирлари кўрилади.

Травматология ва ортопедия илмий текшириш институти қошида ташкил этилган аспирантура бўлими ҳам худди ана шу мақсадга хизмат қилмоқда. Бундан ташқари, тиббиёт институтлари қошида 6 та травматология ва ортопедия кафедралари, 4 та илмий-амалий марказлар фаолият кўрсатаётир.

Илмий йўналишни ҳаётнинг ўзи келтириб чиқаради. Институт олимлари давлат аҳамиятига молик илмий-техник дастурлар асосида иш олиб бораяпти. Уни шундай умумлаштириш мумкин: ортопедик касалликларни ва таянч ҳаракати аппарати жароҳатларини, даволашнинг комплекс усулларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш. Йўл-транспорт ҳодисалари оқибатида келиб чиқадиган касалликларни ўрганиш, тадқиқ этиш ва камайтириш мақсадида Республика Ички ишлар вазирлиги ДАН бошқармаси билан ташкилий даволаш профилактика ишлари олиб борилмоқда. Бу муаммо ечимига доир меъёрий ҳужжатлар институт олимлари томонидан тайёрланган. Шуниси ачинарлики, ҳайдовчилар ва ДАН ходимларининг кўнгилсиз ҳодиса рўй берган вақтда биринчи ёрдамни кўрсата билмасликлари оқибатида баъзан бевақт ўлим ҳодисалари учраб турибди. Ана шуни бартараф этиш мақсадида, институт қошида ДАН ходимлари ва ҳайдовчиларнинг қисқа муддатлик курслари ташкил этилди.

Иккинчи йўналиш - синган, чиққан суякларни асл ҳолига келтириш билан боғлиқ изланишлардир. Янги усуллар билан биргаликда кам самара берувчи эски усуллардан ҳамон фойдаланилмоқда.

Хилма-хил шикастланишларни даволашга бағишланган тадқиқотлар ҳам институт олимларининг диққат-эътиборида турибди. Бундай ҳолларда кўпинча ногиронлик, меҳнатга қобилиятсизлик ҳолатлари келиб чиқади.

Узунчоқ суякларнинг синиши муаммосига доир илмий изланишлар Илизаров аппарати ёрдамида олиб борилмоқда. Компрессион-дистракцион остеосинтез (суякни ўстириш, улаш) бўлими ходимлари бунга масъулдирлар. Ғарб давлатларида кенг қўлланиладиган стерженли ускуналар Ўзбекистонда ишлаб чиқарилмайди ёки сотиб олишга маблағ етарли эмас.

Тадқиқотлар дастури иккита муаммони ўз ичига олади. Йирик бўғимлар ва умуртқа поғонаси патологияси.

Илмий йўналишлар ранг-баранг. Буларнинг барчасида инсон саломатлигини сақлаш билан боғлиқ муаммолар ҳал қилинаяпти.

НАЗАРИЯ ВА АМАЛИЁТ БИРЛИГИ

Аспирантура - илмий даражанинг илк босқичи. Ёш олимларни қизиқтирган мавзулар институт илмий кенгаши томонидан тасдиқланади. Тадқиқот учун ашёвий материаллар клиникада даволанган беморлар ҳолатини ўрганиш асосида тўпланади. Жараён қанчалик мураккаб кечмасин, даволаш усулларини такомиллаштириш бош мақсад қилиб олинади.

Тиббиёт фанлари докторлари, профессорлар Ботир Миразимов, Раҳмонберди Раҳимов, тиббиёт фанлари доктори Мирҳаким Азизов, илмий ишлар бўйича директор муовини Муроджон Солиевлар тадқиқотларни қай тарзда олиб бориш, қоралама қилиш, оққа кўчириш ва ниҳоят, ҳимояга тайёрлашга раҳбарлик қилишмоқда.

Докторлик диссертацияси устида иш олиб борган Шоҳайдар Шотурсуновнинг изланишлари «Умуртқа поғонасининг ностабил жароҳатларида янги даволаш услуби» мавзусига бағишланган. Бу ҳам назария ва амалиёт бирлигига асосланган. Унда иккиламчи ўзгаришлар профилактикасининг янги самара усуллари тадқиқ этилди. Шоҳайдар Шотурсунов 200 бемор мисолида юмшоқ тўқималарнинг жароҳатланиши, ҳаракатларнинг чегараланиб қолиши билан боғлиқ касалликларни ўрганиб, янги текширув мосламасини яратди.

Изланишлар давом этмоқда. 4 киши аспирантурада, 2 киши докторантурада банд. Уларнинг изланишларида ҳам турли хил шикастланиш ва жароҳатланиш билан боғлиқ касалликлар илмий асосда ўрганилаяпти.

x x x

Суяк ва бўғимлар инсон танасининг бошқарувида муҳим аҳамият касб этади. Шу маънода травматология-ортопедия илмий текшириш институти олимларининг тадқиқотларида фан ва ҳаётнинг яхлит алоқаси кўринади. Шифокорлар нажот истаб келган бемор дардига малҳам қўйишга шошилишади. Бу, аввало касбий бурч, қолаверса, тадқиқотлар учун манбадир.

Институт илмий котиби, тиббиёт фанлари номзоди Умида Рустамованинг таъкидлашича, илмий изланишларнинг янги-янги йўналишлари пайдо бўлмоқда.

— Илм-фанда янгилик яратиш унча-мунча одамнинг қўлидан келавермайди. Бунга юксак салоҳият керак, - деб таъкидлайди Умида Рустамова.

Бунга қўшимча фикр: назарияни амалиётда исботлаётган кишиларнинг изланишлари самарасиз бўлмаслиги керак. Зеро, фаннинг ҳаётдаги ўрни ва аҳамияти ҳам шу билан ўлчанади.

Ҳулкар ТЎЙМАНОВА, «Маърифат»нинг махсус мухбири

ТАРИХИЙ ТАФАККУР ТАЛҚИНИ

(Боши 1-бетда)

Тарихий ҳақиқат асосида Ўзбекистон тарихини ўқитиш ўқувчилар онгига янги тарихий дунёқарашни сингдиришга хизмат қилади. Ҳаққоний тарихни билмасдан туриб эса, ўзликни англаш мумкин эмас. Шу билан бирга ёшларни Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш, улар ўз мактаби, кўчаси, тумани, қишлоғи ёки шаҳрининг ўтмиши, бугуни тўғрисида маълумотга эга бўлиши лозим. Чунки дилида Ватан туйғуси шакланмаган инсонни Шахс сифатида тасаввур этиш қийин. Ҳозирги кун талаби мана шу. ДТСда айнан мана шу талаблар ҳам ўз аксини топган.

«Ўзбекистон тарихи»-дан 5—9-синфлар учун ўқув дастурида ёшларни ўз ҳақ-ҳуқуқларини танийдиган, ўз кучи ва имкониятларига таянадиган, ўтмиш ва ҳозирги дунёда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга мустақил ёндашадиган, айни пайтда шахсий манфаатларини мамлакат ва халқ манфаатлари билан уйғун ҳолда кўрадиган эркин фуқарони шакллантириш вазифаси чуқур асослаб берилган.

Умумий ўрта таълим мактабларининг 5—9-синфлари учун «Жаҳон тарихи»дан ДТС ва ўқув дастурида ҳам ўқувчи шахсини шакллантириш, ўқувчи қалбида ўз халқи ва бошқа миллат вакилларининг тарихи, маданиятига қизиқиш, уларни ҳурмат қилиш ҳиссини, кўникмасини кучайтиришдан иборат вазифалар белгиланган. «Жаҳон тарихи» фанини ўрганиш ўқувчиларда воқеа ва ҳодисаларнинг ўзаро боғлиқлигини тушунишга, Ўзбекистоннинг жаҳон халқлари тарихида тутган ўрнини, унинг дунё ҳамжамиятидаги мавқеини билишга, содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларни солиштириш ва хулосалар чиқаришга ўргатади.

«Давлат ва ҳуқуқ асослари»дан 8—9 синфлар учун ДТС ва ўқув дастурининг эълон қилиниши ҳуқуқий-демократик давлат қуришни ва адолатли фуқаролик жамиятини шакллантиришни мақсад қилган мустақил юртимиз ёшларини тарбиялашда катта аҳамиятга эга бўлади. Қувончли томони, Олий Мажлиснинг 1997 йил 29 августдаги қарори билан тасдиқланган «Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш Миллий дастури»ни бажара бориб, келажагимиз бўлган ёш авлодга ҳуқуқий билимларни чуқурроқ етказиш мақсадида умумтаълим мактабларининг 8-синфларига ҳам «Ўзбекистон давлат ва ҳуқуқи» фани киритилиши ҳамда унинг давлат таълим стандарти ишлаб чиқилиши бўлди.

«Давлат ва ҳуқуқ асослари» фанидан тузилган ушбу ўқув дастурининг ёшларни ҳуқуқий таълим ва тарбиясини такомиллаштиришдаги ўрни беқиёсдир.

Хуллас, аввало ҳукуматимизнинг диққат-эътибори, қолаверса, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг тинимсиз саъй-ҳаракатлари натижасида таълим тараққиёти учун зарур бўлган асосий меъёрий ҳужжатлар тўлиқ яратилди. «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни томонидан чиқарилган Халқ таълими вазирлигининг «Таълим тараққиёти» ахборотномаси ҳар бир ўқитувчининг эътиборини тортиши шубҳасиз. Чунки китобнинг мазмун-моҳияти, қолаверса, нашр маданияти ҳам замон руҳига, талабига мослиги билан диққатга сазовордир. Китоб тарих ўқитувчилари ва бошқа халқ таълими ходимлари учун маънавий баркамол ёшларни тарбиялашда узоқ йиллар дастуриламал бўлиб хизмат қилади.

Мукаррам МЎЙДИНОВА,
Тошкент шаҳар ўқитувчилар малакасини ошириш институтининг тарих кабинети мудири

ЭЪТИРОФ

Пойтахтимиздаги «Ўзбектуризм» миллий марказида ўтказилган Марказий Осиё халқлари ҳунармандларининг кўргазмасида юртдошларимиз яратган санъат асарлари Ўзбекистонда меҳмон бўлиб турган хорижликларни лол қолдирди. Масалан, қўқонлик уста И.Каримов яратган курсилар меҳмонларда катта қизиқиш уйготди. Чунки фақат қўл меҳнати билан ёғоч-га ўйиб ишланган нақшлар ўзининг жозибадорлиги, мафтункорлиги билан бошқалардан ажралиб турарди. Хорижлик меҳмонлар ҳунармандларимизнинг юксак маҳорат билан ишланган асарларини кўрар эканлар, ўзбек халқи ҳунармандчилик дунёси санъатини кашф этганлигини таъкидладилар.

— Биз бундай кўргазмаларни тез-тез ташкил этиб туришимиз зарурлигини ҳис қилдик, - деди республика ҳунарманд аёллар ассоциацияси раиси Наталья Мусина. - Шунда жаҳон аҳли ўзбек халқини, Ўзбекистонни яхшироқ танийди. Юртимизнинг маҳоратли ҳунармандлари нималарга қодир эканлигини англаб етади.

Икки кун давом этган кўргазма ҳунармандларимиз ижодига ривож бериши табиий. Чунки кўргазма сабаб, улар ўз асарларининг қанчалик ноёб ва тенгсиз эканлигини яна бир бор ҳис этишди.

Нодиржон ЮСУПОВ,
ТошДУ талабаси

ТИЛ ДИЛЛАРНИ БИРЛАШТИРАДИ

Anjuman

Айтишадики, тил дилларни бирлаштиради. Нарсалар ўртасидаги ўхшашликлар, фарқлар, муносабатлар ва улар аро уйғунликни ифодалаш воситаси — тил. Тил — дил таржимони. Диллар эса бир-бирига муҳтож...

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва Навоий вилоят халқ таълими бошқармаси ҳамкорлигида ўтказилган «Ўзбек тили ва умуминсоний қадриятлар» мавзуидаги республика семинар-кенгаши худди шу эҳтиёждан келиб чиқиб, ташкиллаштирилди.

Таълим бошқа тилларда олиб бориладиган мактабларда ўзбек тилини ўрганиш орқали умуминсоний қадриятларни сингдириш қизиқарли мавзу. Вилоят халқ таълими бошқармаси умумий ўрта таълими бўлими бошлиғи Бобонор Нортожиев бу ҳақда шундай дейди:

—Вилоятимизнинг 800 мингга яқин аҳолиси 90 дан ошиқ миллат ва элат вакилларидан ташкил топган. Давлат тилини жорий этишнинг фақат бизнинг вилоятимизга хос муаммоларини ҳал этишда Навоий давлат педагогика институти, вилоят халқ таълими ходимлари малакасини ошириш институти ва Навоий шаҳар «Ўзбек тили маркази» ҳамкорликда иш олиб бормоқда.

Вилоят халқ таълими муассасаларида давлат тилини изчил жорий этишнинг муҳим жараёнлардан бири ўзбек тили дарсларининг ўқитилиши билан бирга, таълим бошқа тилда ўқитиладиган мактабларда тадбирларнинг ўзбек тилида олиб борилаётганлигидир. Шунинг учун ҳам фуқароларда, ўқувчиларда ўзбек тилини ўрганишга қизиқиш тобора ошмоқда, ўзбек халқининг миллий урф-одатларига, анъаналарига, удумларига бўлган иззат ва ҳурмат туйғуси шакланмоқда.

Ҳозирги кунда вилоятимизда 375 та умумтаълим мактаби мавжуд бўлиб, рус мактаблар 11 та, ўзбек мактаблар 232 та, қозоқ мактаблар 91 та, қорақалпоқ мактаблар 3 та, тожик мактаблар 5 та, аралаш мактаблар 33 тани ташкил этади.

Жорий ўқув йилида таълим бошқа тилда олиб бориладиган мактабларда ҳам таълимнинг давлат стандартлари, янги ўқув дастурлари босқичма-босқич амалиётга жорий этилмоқда. Шунингдек, ҳар бир шаҳар, туманда биттадан мактаб ўқувчилар билим даражаси сифатини назорат қилишнинг рейтинг тизимини синовдан ўтказиш бўйича тажриба-синов майдончаси этиб белгиланди. Шундан 4 таси таълим бошқа тилларда олиб бориладиган умумтаълим мактабларини ташкил этади.

Вилоят мактабгача таълим муассасаларининг 31 тасида ўзбек тилини ўргатиш гуруҳлари ташкил этилган. Мактабгача таълим муассасаларида кичкинтойларда ўзбекча талаффуз кўникмаларини ҳосил қилиш, ўзбек тилида оддий мулоқот ва сўз бойлигига эга қилишдан иборат таълимий ишлар амалга оширилмоқда.

Кўринадики, ушбу семинар учун Навоий вилояти танлангани бежиз эмас. Вилоятда бу соҳада қилинаётган ишлар ҳақида тегишли муассаса вакиллари шундай ўзига хос ҳисобот тарзида гапирдилар.

Фахриддин Солиев, Навоий шаҳридаги «Ўзбек тили» жамоатчилик маркази раҳбари:

—Тарихий ва мавжуд шароит русийзабон халқлар вакилларининг шаҳримизга оқиб келишига ва шу ерда муқим яшаб қолишларига сабаб бўлди. Табиийки, минтақада саноат корхоналарининг кўпайиши оқибатида, ҳатто, русийзабон бўлмаган халқларнинг ҳам ҳаёт тарзида руслашув жараёни кузатилди. 130 минг аҳолига эга шаҳарда мустақилликка фақат битта ўзбек тилидаги ўрта мактаб фаолият юргизганлиги фикримизнинг далилидир.

Ўзбек тили — давлат тили деб эътироф этилиб, уни ҳаётга жорий этишга киришиш бошлангандан сўнг шаҳарда «Ўзбек тили» жамоатчилик маркази ташкил этилди. Жамоатчилик марказининг саъй-ҳаракати билан шаҳардаги барча корхона, муассаса ва ташкилотларда ўзбек тилини ўргатувчи курслар ташкил этилди. Раҳбар ходимларнинг ўқуви ва давлат тилини ўрганиш даражаси текшириб борилди. Шунинг натижасида ҳозирги вақтда ҳамма турдаги корхона ва муассасалар раҳбарлари, бош мутахассислари, хизмат кўрсатиш тармоқлари ходимлари давлат тилини ўзлаштириб олдилар.

У.Орипов, Навоий Давлат педагогика институти ўзбек тили кафедраси катта ўқитувчиси:

—Институтимизда таълим бошқа тилда олиб бориладиган таълим муассасалари учун давлат тили бўйича мутахассислар тайёрлаб беришга кенг эътибор қаратилмоқда. «Давлат тили ҳақида»ги Қонун қабул қилинган кундан ўтган 10 йил давомида таълим бошқа тилларда олиб бориладиган мактаблар учун 270 нафар ўзбек тили ўқитувчиси тайёрланди.

Институтнинг рус ва қозоқ гуруҳларида давлат тили ва янги алифбо иккита гуруҳга бўлиб ўтилмоқда. Бу, албатта, ўзининг ижобий натижаларини бермоқда. Шу боис, рус гуруҳларида ўзбек тилини яхши ўрганганлиги учун талабаларимиз республика олимпиадасида фахрли ўринларни қўлга киритиб келмоқда. Шаҳримизнинг йирик корхона ва ташкилотлари: Навоий тоғ металлургия комбинати, «Навоийқизилқумцемент» ҳиссадорлик жамияти, «Навоийазот» бирлашмаси, алоқа ва савдо тармоқлари ходимлари иштирокида «Давлат тили ҳақида»ги Қонуннинг бажарилиши бўйича амалий суҳбатлар уюштирилди.

А.Бўронова, Навоий вилояти ўқитувчилар малакасини ошириш институти ходими:

—Ўзбек тилини ўқитишни янги талаблар асосида такомиллаштириш, илғор тажрибаларни ўрганиш ва тарғиб этиш мақсадида жойларда мақсадли семинар-амалиётлар ташкил этилди. Жумладан, Конимех туманидаги 2-ўрта мактабда «Инсон номи мағрур жаранглаcин», Навоий туманидаги 8-мактабда «Тилни эъзозлаган — элни эъзозлайди», Навоий шаҳар 12-мактабда «Нутқ ва фикр уйғунлиги», 1-гимназияда «Ўзбек тили — дўстлик тили», Зарафшон шаҳридаги 12-мактабда «Ўзбек тили дарсларида миллий қадриятларни сингдириш» мавзуларида семинар-амалиётлар ўтказилди. Ёш мутахассислар учун очиқ дарслар ташкил этилди.

Абди ЖАЛИЛОВ,
Хусан НИШОНОВ

ТАДБИР СЎНГИДАГИ САХОВАТ

Maktablar hayotidan

Тошкент шаҳар Сирғали туманидаги 318-ихтисослашган боғча-мактаб мажмуаси мустақиллигимизнинг 4 йиллиги арафасида ташкил этилган эди. Қисқа вақт ичида бу масканда муайян ишлар амалга оширилди. Жамоадаги тарбиячи ва муаллимлар танлов асосида қабул қилинди. Асосийси, ўзбек тили, инглиз тили, математика ва ЭҲМ фанлари чуқурлаштириб ўтила бошланди.

Ҳозир мажмуада 194 нафар ўқувчи, 35 нафар тарбияланувчи таълим-тарбия олаётир. Икки йилдирки, 4-синф ўқувчилари бошланғич синфлар бўйича шаҳар олимпиадасида она тили фанидан биринчи ўринни эгаллашмоқда. Ўғил-қизларининг бундай муваффақиятларини кўрган ота-оналар ҳам мажмуага ёрдам қўлини чўза бошлашди. Масалан, «Довон» жамоа корхонаси (раҳбари Ҳикматилла Абдуллаев) таълим-тарбия масканига «Газ-24» русумли машина ажратди. Бу машина болажонлар учун ҳар куни Зангиота туманидаги «Тошкент» ширкатлар хўжалигидан янги сут, нон ишлаб чиқарувчи бирлашмадан иссиқ нон, «Бешёғоч» фирмасидан эса арзон ва тўйимли озиқ-овқат маҳсулотларини ташишда қўл келмоқда. Болажонларнинг соғлом ўсишида ҳамда сифатли билим олишида «Ўзиккиламчиранглиметалл» ҳиссадорлик жамиятининг ҳам ҳиссаси катта бўлаётир...

Куни кеча ушбу даргоҳда мажмуа ташкил топганлигининг 4 йиллиги ҳамда ўзбек тилига Давлат тили мақоми берилганлигининг 10 йиллиги муносабати билан ўтказилган «Тилда Ватан кўринар» деб номланган байрам кечасида ўғил-қизлар билимдонликлари ва иқтидорларини намойиш этдилар. Байрамга бағишланган шеърларни ўзбек, инглиз ва рус тилларида айтиб бердилар. Сўнгра 81 нафар 1-синф ўқувчилари мажмуа тантанали қасамёдини қабул қилиб, аъло ўқиш, илм маскани уставига риоя қилишларини айтдилар.

—Бугунги тадбирдаги ажойиб чиқишларда ва жамоанинг таълим-тарбия ишларида илмий бўлим мудири Ҳакима Фозилова, шоир ва журналист Сиддиқхўжа ҳожи Умаров каби фидоийларимизнинг хизматлари катта бўлаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз,- деди мажмуа раҳбари Ҳамид Хўжахонов.- Умуман жамоамиз барча юмушларга аҳиллик ва ҳамжиҳатлик билан ёндошадилар. Натижаларимиз эса шунга яраша бўляпти.

Дарҳақиқат, аҳилликда, тотувликда ҳикмат кўп. Муҳими, бу ерда изланувчан жамоа болажонларни эркин фикрлашга, мустақил мутолаага ўргатиб боришаяпти. Чунончи, ўғил-қизларга тадбир сўнгида ҳомийлар ёрдамида харид қилинган 50 минг сўмлик турли китоблар тарқатилгани ҳам бунинг яққол далили бўла олади. Бу китобларни кейинги ой бошида уюштириладиган тадбиргача ўқиб-ўрганиб келиш вазифаси топширилиши эса мажмуа жамоаси режаларининг пухталигидан далолатдир. Қисқаси, мазкур тадбирдан ҳамма-ҳамма бир олам таассурот ва ўзига хос сабоқ билан қайтишди.

Қ.МАТҚУРБОНОВ

Ўғил-қизлар билан якка тартибда машғулот олиб бориш синалган усуллардан бири ҳисобланади. Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани Ҳабиб Турсунов номидаги мактабнинг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси Каромат Исаева ҳам кўпинча ана шу усулни қўллашни афзал кўради. Муаллиманинг фикрича, бу усулда дарс ўтилаётганда ўқувчи масъулиятни тўла ҳис этиб туради.

Суратда: фидойи муаллима Каромат Исаева 11-синф ўқувчиси Зулфия Юсуфхўжаева билан якка тартибда машғулот ўтказаётир.

Равиль АЛЬБЕКОВ олган сурат

«ТЕМУР ТУЗУКЛАРИ»НИНГ ЯНГИ НАШРИ

Taqriz

Яқинда Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти «Темур тузуклари»нинг рус тилига таржимасини, яъни «Уложение Темура» китобини нашр этди. Унга «Темур тузуклари»нинг форсча матни ҳам илова қилинган. Рус тилига шарқшунос олим, профессор Ҳамидулла Кароматов ўтирган. Нашрга академик Бўрибой Аҳмедов илмий муҳаррирлик қилган, сўзбоши ва изоҳлар ёзган.

Ушбу нашрнинг илгаригиларидан қандай афзаллик томонлари бор?

Биринчидан, 1894 ва 1934 йиллардаги таржималар рус тилига Н.С.Остроумов, В.А.Пановлар томонидан Лангленинг 1787 йилги французча тўла бўлмаган нашридан амалга оширилган. Қолаверса, Н.С.Остроумов нашрини унинг талабалари таржима қилган. Мазкур нашрлар асл нусхадан таржима қилинмаганлиги сабабли бугунги кун талабига жавоб бера олмайди.

«Темур тузуклари»нинг 1991, 1996 ва 1999 йилларда ўзбек тилидаги нашрлари бугунги кунда биз учун асл нусха ҳисобланган Мир Абу Толиб Ҳусайнийнинг XVII аср бошларида чиғатой тилидан форсийга қилган таржимаси асосида амалга оширилган. Мир Абу Толиб Ҳусайний фойдаланган чиғатой тилидаги нусха бугунги кунгача топилмаган. Шунинг учун Мир Абу Толиб Ҳусайнийнинг форсчаси энг қадимги, шунингдек, Амир Темур замонига яқин нусха бўлгани сабабидан матншунослик фани қонун-қоидаларига кўра ишончли нусха, манба бўла олади. Тарихий манбаларни қадрлайдиган аллома Алихон Тўра Соғуний домла «Темур тузуклари» билан ўзбек китобхонини ошно қилмоқчи бўлганларида кейинчалик вужудга келган ўзбекча нусхаларини табдил қилиб қўя қолмадилар. Балки мазкур форсча нусхани таржима қилиб, 1967 йили «Гулистон» журналида эълон қилдилар.

Иккинчидан, маълумки, 1856-1857 йилларда хивалик аллома ва шоир Муҳаммад Юсуф Рожий тарафидан, 1837 йили Паҳлавон Ниёз девон тарафидан, 1835 йили Хўжанд қозиси Набижон Маҳдум тарафидан амалга оширилган ўзбекча таржималари мавжуд эди. Аммо, бу таржималарнинг биз учун бугунги кунда асл нусха ҳисобланган Мир Абу Толиб Ҳусайний таржимасидан фарқ қиладиган ўринлари, қўшимчалари бўлгани аниқланган. Набижон Маҳдум таржимаси эса, тўлиқ эмас. Ушбу мулоҳазалардан шундай хулосага келиш мумкинки, ўтган асрда ўзбекчага қилинган таржималардан Мир Абу Толиб Ҳусайнийнинг форсча нусхаси ишончлироқдир. Биз бунда асарнинг Бомбей нашрини назарда тутмоқдамиз.

Учинчидан, «Темур тузуклари»нинг 1991, 1996, 1999 йилги нашрларига мутасаддилик қилган ва мазкур нашрларга сўзбоши ёзган академик Бўрибой Аҳмедовнинг мулоҳазалари ҳам фикримизнинг далилидир.

Айтиш мумкинки, 1991, 1996 йиллардаги ўзбекча нашрлар ва профессор Ҳамидулла Кароматовнинг ушбу русча таржимаси ва унга илова қилинган форсча матни туфайли манбашунослигимиз «Темур тузуклари»нинг ишончли илмий матнига эга бўлди ва асар тўла танқидий матнига эга бўлмай туриб, дуч келган нусхасига асосан олиб борилган изланишларни эса илмий деб бўлмайди. Ушбу нашрни китобхонлар мамнунлик билан кутиб олишларига имонимиз комил.

Наим НОРҚУЛОВ

Ma'rifat maskani

ҚУТЛУҒ ДАРГОҲ

Т.Н.Қори Ниёзий номидаги Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий тадқиқот институтининг ташкил этилиши бундан 70 йил аввалги даврга бориб тақалади. 1929 йил 18 февралда «Ўзбекистон Давлат илмий тадқиқот институти ва уни ҳаракатга келтириш ҳақидаги Низом» қабул қилинди. Шу йилнинг 5 июнида институтнинг вақтли президиуми ҳамда Ўзбекистон Давлат илмий тадқиқот институти президиумининг ҳақиқий аъзолари тасдиқланди.

Ўзбекистон давлат илмий тадқиқот институти 1929 йил 15 июнда ўз фаолиятини бошлаган эди. 1931 йили институт базаси Тошкент шаҳрига кўчирилди ва бир нечта мустақил институтга бўлинди. Улардан бири Маданий қурилиш институти бўлиб, таркибида «Программалар ва методика», «Педагогика» ҳамда ўзбек тилшунослиги ва санъатшунослик муаммолари билан шуғулланувчи секторлар мавжуд эди.

1934 йилда Маданий қурилиш институти учта мустақил институтга Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси тасарруфидаги Тилшунослик ва адабиётшунослик институти, Маданият ишлари комиссарлиги тасарруфидаги Санъатшунослик институти ҳамда республика Маориф халқ комиссарлиги тасарруфидаги Ўзбекистон Педагогика илмий тадқиқот институтларига ажратилди.

Педагогика илмий тадқиқот институтининг Низомида мактаблар ишининг назарий ҳамда амалий муаммоларини илмий тадқиқ қилиш ҳамда педагогик таълим муаммолари, ўқитувчиларнинг илғор иш тажрибаларини ўрганиш юзасидан илмий изланишлар олиб бориши кераклиги кўрсатилди.

Институт таркибида учта сектор: (методика, педагогика ва педагогика-психология секторлари) ташкил этилди. Мазкур секторлар ходимлари педагогика назарияси ва тарихи, психология ҳамда хусусий методика масалаларига доир тадқиқотлар билан шуғулланганлар.

30-йилларда институтда ўзбек тили ва адабиётидан ўқув-методик қўлланмалар, дастурлар, айрим дарсликлар яратилди. Ўқув дастурлари ва дарсликларни яратишда ёзувчилар, тилшунос, адабиётшунос олимлардан А.Саъдий, А.Авлоний, Ҳ.Олимжон, Ойбек, Уйғун, М.Шайхзода, О.Шарофиддиновлар алоҳида жонбозлик кўрсатдилар. Оқилхон Шарофиддинов томонидан яратилган «Алифбе» китоби илк бор 1934 йилда чоп этилди.

Институтнинг илмий кутубхонаси юзлаб салоҳиятли педагог олимларнинг севимли даргоҳи бўлди.

1939 йили Ўзбекистон Педагогика илмий тадқиқот институти Мактаблар илмий тадқиқот институти (ЎзМИТИ) деб номланди. Кейинчалик институт республика Маориф халқ комиссарлигининг методика бошқармаси билан бирлаштирилиб, у Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий тадқиқот институти деб аталда бошланди. Институтнинг таркиби 7 сектордан иборат этиб тасдиқланди.

Йиллар ўтган сайин халқ таълимини қайта қуриш ва ривожлантириш тақозоси билан институтда янги секторлар очилиб борди, тадқиқотлар кўлами кенгайди, юқори малакали илмий-педагогик кадрлар тайёрлашга бўлган эътибор ортди. 1960 йили институт қошида аспирантура, 1994 йилда докторантура ташкил топди. Аспирантура ва докторантура республикамизнинг илмий-педагогик кадрлар салоҳиятини юксалтириш ишига катта ҳисса қўшмоқда.

Ўз фаолиятини 24 нафар илмий ходим билан бошлаган ва ҳатто бир нафар фан номзоди илмий даражасидаги мутахассиси ҳам бўлмаган Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий тадқиқот институтида бугунги кунда 83 нафар илмий ходим бўлиб, уларнинг 19 нафари фан доктори, 34 киши эса фан номзодидир.

Институт ходимлари орасида фан арбоблари, хизмат кўрсатган ўқитувчилар ва халқ таълими ходимлари, ҳукумат мукофотининг соҳиблари борлиги ҳам бу даргоҳнинг юксак илмий салоҳиятидан далолатдир. Институт ўз меҳнат фахрийларига эга. 83 ходимнинг 18 нафари ушбу илм масканида 25 йил ва ундан ортиқ муддат давомида ишлаган тажрибали кишилардир.

Ўзининг сермаҳсул илмий тадқиқотлари билан танилган Ғ.Ғуломов, Р.Усмонов, С.Ражабов, Э.Қодиров, М.Ҳамроев, Д.Шодиевлар институт фахридир.

Мустақиллик йилларида институтда олиб бориладиган илмий тадқиқотларнинг кўлами ғоятда кенгайди. Агар 1990 йилгача бўлган даврда институт ходимлари юқоридан кўрсатма берилганидек, совет педагогикаси тарихини яратиш, коммунистик тарбия ҳақида қайғуриш, ўқув дастурларининг айрим бўлимларига доир ишланмалар тайёрлаш муаммоси билан шуғулланган бўлсалар, бугунги кунга келиб миллий таълим ислоҳотида кўзда тутилган назарий ҳамда амалий масалаларни тўла қамраб олган йирик муаммолар юзасидан кенг миқёсда илмий тадқиқот ишларини амалга оширмоқдалар. Бу тадқиқотлар педагогика назарияси ва тарихи, психология, янги педагогик технологияларнинг назарий асослари, педагогик менежмент, таълимни бошқариш, таълим-тарбия жараёнини дастурлаштириш, таълим мазмуни ва стратегияси, давлат таълим стандартлари, хусусий дидактика, маънавият педагогикаси каби долзарб муаммоларни ҳал этишга қаратилган.

Институтнинг илмий ходимлари Ўзбекистон Республикаси Фан ва техника давлат қўмитасининг истиқболли илмий тадқиқотлар дастурига киритилган, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»ни ҳаётга татбиқ этиш талабларидан келиб чиқувчи 9 та фундаментал муаммо юзасидан илмий тадқиқот ишларини амалга оширишмоқда. Илмий тадқиқотлар маҳсули сифатида концепциялар, монографиялар, давлат таълим стандартлари, ўқув дастурлари, дарсликлар ва методик қўлланмалар яратилди ва яратилмоқда.

Институт ҳузурида педагогика соҳасидаги тадқиқотлар учун докторлик илмий даражасини берувчи Бирлашган ихтисослашган кенгаш фаолият кўрсатмоқда. Ушбу Кенгашда фақатгина1996-99 йиллар мобайнида 53 нафар тадқиқотчи докторлик ва номзодлик диссертацияларини муваффақиятли ҳимоя қилди.

«Давлат талаблари» ва «давлат стандартлари» билан узвийликда «Болаларни ривожлантириш ва мактабга тайёрлаш таянч дастури», ўқув фанлари бўйича ўқув дастурлари такомиллаштирилди. Яратилган стандартлар, ўқув дастурларининг синови 1999-2000 ўқув йилида ҳам давом этади.

Ўзининг шонли ва мураккаб тарихига эга бўлган бу даргоҳ эшиги ҳамон илм-маърифат аҳли учун очиқ. Бугун ўзининг 70 йиллик санасини нишонлаётган институт келажакда ҳам педагогика соҳасини ривожлантиришга ҳиссасини қўшаверади.

И.ТУРСУНОВ,
ЎзПФИТИ директори

Sport maydonchasi

«ТИКО», «НЕКСИЯ», «ДАМАС»

Ўзбекистон Президенти совғани учун II халқаро турнирда ғолиб курашчиларга шундай мукофотлар тақдим этилади. 20 дан ошиқ давлатлардан келган моҳир спортчилар ғолиблиқ учун кураш олиб борадилар. Юртимиз шарафини эса Т.Муҳаммадиев, Э.Маҳмарасулов, Б.Авазов, А.Богдасаров каби паҳлавон курашчиларимиз ҳимоя қилишади.

ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИ

Бокс бўйича навбатдаги қитъамиз биринчилиги юртимизда ташкил этилмоқда. 12 вазн тоифасида ўтказиладиган бу нуфузли мусобақа бугун бошланади. АҚШда бўлиб ўтган жаҳон чемпионатида яхши иштирок этган вакилларимиз бу сафар ҳам мухлислар ишончини тўла қозонадилар, деб умид қиламиз.

ЯНА ИККИ ТУР

ўтгандан сўнг футбол бўйича биринчи лига жамоалари маррага етиб келишади. Чоршанба кунги ўйинлар:

«Шўртан» - «Шўрчи» - 2:1,
«Шаҳрихон» - «Машъал» - 2:1,
«Косонсой» - «Қизилқум» - 0:1,
«Хива» - «Истиқлол» - 4:1,
«Орол» - «Ғазалкент» - 4:0,
«Роҳат» - «Сирғали» - 3:2,
«Семурғ» - «Кимёгар» - 1:0,
«Ситора» - Цементчи» - 1:5,
МҲСК - «Қува» - 1:0.

ЎТКИР ҲАЗИЛ

Машҳур боксчи Муҳаммад Али яна бир бор барчани ҳайратда қолдирди. Энг охирги жангини 1981 йилнинг 18 декабрида ўтказган бокс қироли яна рингга қайтажагини эълон қилди. Кейинчалик маълум бўлдики, 57 ёшли «қирол» ҳазиллашган экан. Буюкларнинг ҳазиллари ҳам ўткир бўлади-да!

ҚИЛИЧБОЗЛИК

21 октябрь куни Тошкентда қиличбозлик бўйича навбатдаги Ўзбекистон кубоги баҳслари бошланди. Мусобақаларда 100 нафарга яқин ёш қиличбозлар иштирок этишмоқда. Ғолиб ва совриндорлар бугун аниқ бўлади.

«ЎЗБЕК ХАЛҚ ДОСТОНЛАРИ» ТОПҚИРЛИК МАШҚИ

Азиз муштарий! Қуйида таърифланган сўзларни шаклда «занжир» ҳолида ёзиб машқни ҳал этинг.

1. Минг йиллиги нишонланаётган халқимизнинг қаҳрамонлик достони. 2. Фозил шоир ва Раҳматулло бахшидан ёзиб олинган «Зевархон» ишқий-саргузашт достони қаҳрамони Маликаи Хубон яшаган шаҳар ва элат. 3. Ислом шоир Назар ўғлидан ёзиб олинган «Орзигул» — эрк ва муҳаббат, ҳақиқат ва адолат учун кураш мазмунидаги достон қаҳрамонларидан бири. 4. Гўрўғлибекнинг фарзанди Ҳасанхон ҳаётига оид достон. 5. Авазхоннинг Исфахон маликаси йўлидаги саргузаштлари битилган «Гўрўғли» туркумидаги достон. 6. Гўрўғлини вояга етказган чўпон исми. 7. Достонларда баён этилган Шарқ вилоятларидан бири. 8. Мажнуннинг асл исми. 9. Достонлардаги афсонавий йирик қуш. 10. Гўрўғлининг афсонавий тулпорига берилган ном. 11. Эргаш шоир ва Бекмурод бахшидан ёзиб олинган нусхалари нашр этилган Зангар гўзали Холбека саргузаштлари тасвирланган достон. 12. Гўрўғлининг йигитларидан бири саргузаштларига оид достон. 13. «Алпомиш» достони қаҳрамонларидан бири. 14. Достонлар ижодкорлари — бахшилар чаладиган чолғу асбоби. 15. Халқ оғзаки ижодидаги ёвузлик рамзи, афсонавий махлуқ. 16. Подшо Шониёзнинг умр йўлдоши саргузаштлари баён этилган достон. 17. Гўрўғли тарбиялаб вояга етказган йигит исми. 18. Машҳур ишқий саргузашт, вафодорлик мазмунидаги эртак-достондаги садоқатли қиз.

Машқни ҳал этгандан сўнг шаклдаги нуқталар билан белгиланган катаклардаги ҳарфларни маълум тартибда ўқий олсангиз, достонларимизда баён этилган юрт номи аён бўлади.

Энди жавоблар асосида қуйидаги рақамлар жуфтлигини (биринчиси жавоб сўз, иккинчиси эса ҳарфлар тартибини англатади) мос ҳарфлар билан алмаштириб муаммономани ҳал этинг.

15-2; 3-5; 7-1; 6-5; 11-3; 12-7; 9-4; 4-4; 13-6; 18-2; 1-2. Улардан шоён достонларимизнинг машҳур ижрочиларидан бири бўлган бахшининг исми маълум бўлади.

Ф.ОРИПОВ тузди.

Ilk qadam

НАФИС МАКТАБДАГИ НАФИС МАЖЛИС

Шу кунларда юртимизда байрам шукуҳи давом этмоқда. Тилимизга Давлат тили мақоми берилганлигининг 10 йиллиги мамлакатимиз бўйлаб кенг миқёсда нишонланмоқда. Шу муносабат билан Алишер Навоий номидаги республика Нафис санъат мактабида Халқ таълими вазирлиги, Ёзувчилар уюшмаси билан ҳамкорликда республика анъанавий «Нафосат» ёш қаламкашлари учрашувини ташкил қилинди. Мамлакатимиз вилоятларидан ташриф буюрган ёш ижодкорлар дастлабки куни Темурийлар тарихи Давлат музейи ва Ўзбекистон тарихи музейларига саёҳат қилишди. Сўнгра Ўзбекистон Миллий боғидаги Алишер Навоий ҳайкали пойига гулчамбарлар қўйишди.

Ушбу тадбирнинг айнан шу куни, айнан шу масканда ўтказилишининг иккита асосий сабаби ҳамда рамзий маъноси бор. Биринчиси — анжуманга ўқувчиларнинг сўз, тил ва албатта, улар орқали ифодаланадиган фикр қадрига етадиганлари келади. Иккинчидан — улар қўним топадиган макон, яъни «Нафис санъат» мактаби шундайин ижодкор, ўз сўзини айтишга иштиёқманд ёшлар маскани.

Тадбирнинг иккинчи куни таниқли ёзувчи ва шоирлар билан ёш қаламкашлар учрашувида халқ таълими вазири Жўра Йўлдошев ҳам, бу ерда ҳар бир киши айтаётган гапини етти ўлчаб, бир кесиб гапириши керак, чунки бу қора кўзлар сизнинг ҳар бир каломингизни синчиклаб кузатиб, таҳлил қилиб ўтиришади, дея улар зукколигига ишора этди. Шундан сўнг сўзга чиққан Ёзувчилар уюшмаси раиси ўринбосари Й.Сулаймон, «Гулхан» журнали бош муҳаррири, шоир Сафар Барноев, шоир Икром Отамуродлар барчани байрам билан табрикладилар. Сўнгра тадбирнинг мушоира қисмини Андижон вилоятидан келган ёш ижодкорлар бошлаб бердилар. Навбати билан барча вилоятлар вакиллари ўз ижодларидан намуналар ўқишди. Ўқувчиларга Президентимизнинг асарлари тўплами, шунингдек, Халқ таълими вазирлиги томонидан диплом ҳамда Фахрий ёрлиқлар топширилди.

Ш.НИШОНОВ

Xullas...

ШЎХЛИК КЕЛТИРГАН АЗОБ

Мактабда ўғил болаларнинг безорилик қилишларидан ўқитувчилар додлашади. Шунчаки шўхликлар бўлса майли-я...

Операция столида 12 яшар қиз, яъни Қозон шаҳридаги мактабларнинг бирининг ўқувчиси Галя Кузнецова. Унинг жони бир йилдан бери азобда. Синфдошлари карбид солинган шишани портлатиб юборишганда, жиндек шиша бехосдан унинг кўзига тушди. Кўз касаллиги мутахассислари шиша бўлагини қизнинг кўзидан олиб ташлашга роппа-роса бир йил уриндилар. Шўрлик қизгина ана шу линзали кўзда мактабга ҳам қатнайверди.

Чиқмаган жондан умид. Шифокорлар қизнинг кўзидаги тўр пардани суриб, шиша парчасини олиб ташлашди. Ниҳоят, жарроҳлик столидаги патнисда офтальмологларни тинчидан айирган шиша!

Аммо ҳали қувонишга эрта. Галянинг кўриш қобилияти тикланадими, асосийси, шунда.

СИАМ МУШУГИНИНГ «САЁҲАТИ»

«Сигизмунд» лақабли Сиам мушуги кўп қаватли уйлардан бирининг томи устида сайр қилиб юрарди. Сув оқадиган қувурлардан бирига тирмашиб чиқиб, бехосдан унинг ичига тушиб кетди. Унинг жон талвасасида «миёв»лашини биров эшитди, биров эшитмади.

Мушук эгалари қидирув хизматига мурожаат қилишди. Улар тинчлантирилдики, икки жуфт оёғи мушукни қандай бўлмасин, фалокатлардан асрайди.

Аммо мушукбоқар севимли овунчоғи топилмагунча тинчимади. Қулига швабрани олиб, том устига чиқди. Атрофга бекорчихўжалар йиғилди. Ҳе йўқ, бе йўқ, ўт ўчирувчилар бригадаси ёпирилиб келди. Улар нарвон орқали чиқиб трубани бир кўтарган эдилар, мушукнинг миёвлаган товуши эшитилди.

Сигизмундни ертўладан топишди. Кўзларида қўрқув, энг муҳими, тирик.

Мушук эгасининг хурсандлиқдан юраги ёрилаёзди. Жонворни даст кўтариб, соғинчини ошкор этди.

БОЛА БОЛАНИ АСРАДИ

Андаккина кайфи бор ота ўғилчасини елкасига ўтқазиб, сув бўйига кетди. Сувга тушиб бўлмаслигини у шу тобда англаб етмасди. Кайф зур-да! Бола қирғоқда, ота эса сувда аранг сузарди. Сув балосидан бехабар гўдак алпангталпанг отасига қараб талпинди ва кўл уни ўз домига тортди.

Қирғоқда бу ҳодисани кўпчилик кузатиб турарди, жумладан 13 ёшдаги Алёша Марков ҳам. У жон талвасасида типирчилаётган болага қараб отилди ва уни сувдан олиб чиқди. Шўрликнинг бир лаҳза ичидаёқ ранги докадек оқариб, беҳуш ётарди. Нима бўлаётганига фаҳми етди шекилли, ширакайф ота ҳам сувдан бир амаллаб чиқиб келди.

Милициянинг қутқарув бўлимига қўнғироқ қилиш учун велосипедда юғуриб кетган Алёша тезда қайтиб келди. Зарурий чоралардан сўнг бола тезда ўзига келди.

Дарвоқе, Алёша Татаристон ўғил болалар лицейи ўқувчиси бўлиб, дзюдочи ва аъло даражадаги сузувчи. Унга «Чукаётган кишини қутқарганлиги учун» нишони топширилди.

ana shunaqa gaplar...

ЛИЦЕЙДА ТИЛ БАЙРАМИ

Тошкент Шарқшунослик институти қошидаги тарих ва шарқ тиллари лицейида давлат тили ҳақидаги қонун чиққан санани катта шодиёна билан нишонлаш анъанага айланган.

Яқинда бу ерда бўлиб ўтган тантанада талаба ва меҳмонларни лицей директори Жалолиддин Нуриддинов табриклади. Тошкент Ислом Университети кафедра мудири, олим ва жамоат арбоби Абдулҳаким Шаръий Жузжоний талабаларга Ўзбекистонда она тили равнақи учун олиб борилаётган ишлар ҳақида завқланиб гапирди.

Лицей талабалари ўзбек тилининг гўзаллигини акс эттирувчи асарлардан намуналар ижро этдилар. Тошкент консерваторияси талабалари ажойиб қўшиқ ва куйлар билан байрамга файз киритдилар.

Шаҳноза РАФИҚОВА, шу лицей ўқувчиси

МАЪРИФАТ ФИДОЙИЛАРИ

E'zoz

Куни кеча Республика илмий-педагогика кутубхонасида «Алифбе» ва «Ўзбек тили» дарсликларининг илк яратувчиларидан бири Шокиржон Раҳимий таваллудининг 100 йиллиги муносабати билан илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

Анжуманни Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг умумий ўрта таълим Бош бошқармаси бошлиғи М.Шафиев кириш сўзи билан очди.

Анжуманда Шокиржон Раҳимийнинг педагогик фаолияти, дарсликлар яратишдаги хизмати, миллий педагогиканинг ривожига қўшган ҳиссаси хусусида филология фанлари докторлари, профессорлар Н.Каримов, Э.Умаров, А.Зуннунов, педагогика фанлари номзоди, доцент Й.Абдуллаев маруза қилдилар.

Йиғин иштирокчиси М.Расулова Шокиржон Раҳимий асарлари ва у яратган дарсликларнинг библиографик кўрсаткичлари, у ҳақида библиографик тўплам чоп этиш зарурлиги ҳақида таклиф киритди. Анжуман иштирокчилари бу таклифни маъқуллашдилар. Кутубхона маъмурияти Шокиржон Раҳимий асарларининг библиографик кўрсаткичларини тайёрлаш ва чоп эттиришга қарор қилди.

* * *

Яқинда Қори Ниёзий номидаги Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий тадқиқот институтида 25 йилдан кўпроқ вақт давомида илмий ходим бўлиб ишлаган, айни пайтда эса нафақага чиққан ўқитувчи ва олима Муҳайёхон Асқархўжаева ўзининг шахсий кутубхонасини республика илмий-педагогика кутубхонасига совға қилди.

Ушбу китоблар орасида М.Асқархўжаеванинг ўзи яратган «Ўзбек болаларига рус тилини ўргатиш», «Рус болаларига ўзбек тилини ўргатиш», «Нутқ ўстириш», «Богчаларда ўзбек тилини ўргатиш» каби илмий-методик қўлланмалари ҳам бор. Кутубхона 150 дан ортиқ илмий-педагогик адабиётлар билан бойиди. Муаллима китобларини Шокиржон Раҳимийнинг 100 йиллигига бағишланган анжуманда кутубхонага тантанали равишда топширди.

Олим НОРБЕКОВ, ТошДУ журналистика факультети толиби

ТАБАРРУК УСТОЗ

Мен ўз иш фаолиятим бўйича республикамизнинг ҳамма вилоятларида, кўпгина туман, қишлоқларида бўлганман, юзлаб фидойи муаллимлар билан мулоқот қилганман. Шундай мўътабар муаллимлардан бири раҳматли Суннат Исҳоқов эдилар. Суннат ака билан 5-6 йил бирга ишлаш насиб этди. Ул зоти шариф Мирзо Улуғбек номидаги Тошкент Давлат университети қошидаги Саъди Сирожиддинов номидаги лицей-интернатда биологиядан дарс берардилар. Суннат ака ниҳоятда камтарин, босиқ, вазмин, тўғри ва ҳалол инсон эдилар. Оппоқ сочлари ўзларига ярашиб, нурли чеҳраларини янада нурафшон қилиб турар, майин жилмайишлари эса мени «бу кишидан яхшилик кутиш керак, ундан ёмонлик чиқмайди», деган фикрга чорларди. Ва бу тўғри эди. Устоздан кўп яхши нарсаларни ўргандим, бамаъни оқилона маслаҳатларини мендан аямаганлар. Домла ҳам кибрни, адоват, ноҳақликни жуда ёмон кўрарди, бундай ҳолга нафратини зўрға босиб турарди. Тик қоматли, қотмадан келган киши эдилар. Шошмай юрар, бир ишни ҳовлиқмай, пишиқ-пухта бажарардилар. Ўзлари шаънига айтилган икки оғиз ширин сўздан ҳам уялиб, қизариб кетардилар. Домлага ихлос қилиб, унинг изидан кетиб, муаллимлик қилаётган шогирдлари кўп. Муҳтарам Аслонова, Ойдин Эшонхўжаева каби шогирдлари ўзлари билан ёнма-ён туриб ишлашган. «Ёш мутахассис сифатида ишга келганимда Сиз, Мирфозил ака, мени Суннат ака билан таништиргансиз, — дейди Ойдин. — Ота-боладек бўлиб кетдик. Мени муаллимликнинг нозик жиҳатлари, дарс бериш услубларидан хабардор қилдилар». Ўқувчилар орасида шаҳар, республика олимпиадасининг ғолиблари ҳам талайгина: Б.Абдуллаев, Н.Ваққосов, А.Порсоев, М.Шаҳобова... Эҳҳе, уларни санаб адо қилиб бўлмайди. Лицейимизни битириб кетган ўқувчиларнинг — эндиликда турли олий ўқув юрти талабаларининг сентябрь ойи бошларида лицейга келишлари анъана бўлиб қолган. Ўша йили домланинг ТошДУнинг химия, биология факультетлари, медицина, педиатрия, фармацевтика институтларида таҳсил олаётган шогирдлари келиб домла Суннат акани учрата олмадилар. Кўзлари жовдираб устозни қидирарди, ё раб, домла оғир хасталикдан сўнг вафот этган эдилар. Болаларимизнинг қай аҳволга тушганликларини фақат бу ҳолни кўрган одам ҳис қила олади, холос. Ҳар биримизнинг қалбимизда устозимизнинг ўгитлари, берган билимлари қолди.

Xotira

Мен домланинг сафдошлари, чорак асрдан кўпроқ ул киши билан бирга ишлаган муаллимлардан Суннат акани бир-икки оғиз сўз билан тавсифлашни илтимос қилдим.

Мазлума Пўлатова: «Маориф ишига садоқатли эдилар. Болалар яхши устоз ортидангина эргашади. Болалар қалбида илм-фанга муҳаббат уйғота олганлар».

Нафиса Саъдуллаева: «Тўғри, ҳалол, пок инсон. Алдаш ва ғирромликни билмаган, бировнинг ҳақини емаган».

Тўлқин Шокиров: «Бировнинг дилини оғритмаганлар. Кичикка ака, каттага ука эдилар. Суннат ака 60 га ҳам кирмаган эдилар. Муаллимликнинг имтиёзли нафақасини ола бошлагандилар. Домла Себзор даҳасида ота-боболаридан қолган уйда яшардилар. Оддийгина кийинар эдилар. Ўқитувчилик маошидан ортториб, уй-жой қилолмадилар, квартира, машина ололмадилар, дабдабали тўй қилмадилар, аммо тўғри, ҳалол ва пок виждон билан яшадилар. Ўз ҳаётларини бизларга намуна, ўрнак қилиб қолдирдилар. Ҳатто, баъзи ҳамкасбларининг қилган ножўя ишлари учун уларга қараганда кўпроқ изтироб чекардилар.

Бағри кенг, кечиримли инсон эдилар Суннат ака. Ҳовлиларида бувалари эккан оқ тут бўлиб, май ойи ўрталарида катта тоғорада лицейга тут олиб келардилар. Мазза қилиб тут ердик. Гоҳида уйларига тутхўрликка таклиф этардилар. Чодир бир зумда йирик-йирик тут доналарига тўлиб чиқарди.

Бирор маросимга борилса, зарур ҳолларда,Суннат акадан тиловат қилишни илтимос қилардик. Устоз ўзига хос оҳангда тиловат қилардилар. Қуръони Каримни қоидали қилиб ўқирдилар. Ўқиган тиловатлари ўзларига ҳамроҳ бўлсин. Оллоҳ Суннат аканинг охиратларини обод қилсин.

Мирфозил МИРЗААҲМЕДОВ, С.Сирожиддинов номидаги академик лицей ўқитувчиси

АНЖУМАН ЎТКАЗИЛДИ

Шу кунларда юртимизда ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганлигининг 10 йиллиги катта тантана билан нишонланмоқда. Шу муносабат билан Мирзо Улуғбек номидаги Тошкент Давлат университети ўзбек филологияси факультетида ҳам анжуман бўлиб ўтди. Унда факультет ўқитувчилари ва талабалар ўзаро фикр алмашдилар. Йиғилишни факультет декани, профессор Қозоқбой Йўлдошев очиб, ҳаммани мунозарага чорлади. Сўнгра профессорлар Ёрмат Тожиев, Азиз Жўраев ва яна бир қанча ёш ўқитувчилар ўзбек тилшунослигининг долзарб муаммолари, ўзбек тилининг сўнгги 10 йил давомидаги тараққиёти ва XXI асрдаги истиқболи хусусида ўз фикрларини баён этдилар. Шунингдек, талабалар ва ўқитувчиларни қизиқтирган саволларга жавоб бердилар. Анжумандан кўзланган мақсад, бўлажак филологларни тилшунослик олдида ечимини кутаётган бир қанча масалалар билан таништириш эди. Қизғин кечган баҳс-мунозаралар жараёнида ўзбек тили тараққиётидаги муаммолар нафақат шу соҳа кишилари, балки барча учун аҳамиятга молик масала эканлиги аён бўлди.

Нодира ЭШХЎЖАЕВА, ТошДУ ўзбек филологияси факультети 3-курс талабаси

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ МАРКАЗИ

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази ва Осиё Ривожланиш Банки ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини қайта ташкил этиш ва ривожлантириш лойиҳасини татбиқ этиш борасида кейинчалик кичик техник ҳамкорлик кўрсатиш гуруҳида ишлаш билан таълим соҳасида консалтинг хизматлар кўрсатиш бўйича тендер ўтказилиши тўғрисида эълон қилади.

Давогарга қўйиладиган асосий талаблар:

- Олий маълумот. Таълим ва бошқарув соҳасида илмий даражаси бўлгани маъқул.

- Таълим муассасаларида раҳбар сифатида камида 5 йиллик иш тажрибасига эга бўлганлар.

- Одамлар билан яхши муомала кўникмасига эга бўлиш.

- Инглиз тилини яхши билиш (ўқиш, ёзиш, гаплашиш).

- Зарур бўлиб қолганда иш вақтидан ташқари ҳолларда ҳам ишлашга имконияти бўлиши шарт.

Танловда иштирок этишни хоҳловчилар 1999 йил 7 ноябргача қуйидаги манзилга мурожаат қилишлари мумкин: Тошкент шаҳри, Мустақиллик майдони - 5, телефонлар: 139-16-06, 139-16-21, факс: 139-16-48.

Ma'rifat

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси.

Бош муҳаррир
Ҳалим САИДОВ

Таҳрир ҳайъати: Йўлдош АҲМЕДОВ, Жуманазар БЕКНАЗАРОВ, Икром БЎРИБОЕВ (масъул котиб), Шукур ЖОНБОЕВ, Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ, Нўъмонжон РАҲИМЖОНОВ, Абдусамат РАҲИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Йўлдош САИДЖОНОВ, Ҳулкар ТЎЙМАНОВА, Саъдулла ҲАКИМОВ, Ўткир ҲОШИМОВ

Рақам ва далиллар ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга жавоб қайтарилмайди. «Маърифат»дан материалларни кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилиши шарт.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси,32. ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб—136-56-42, хатлар ва оммавий ишлар бўлими—136-55-58.

Газетани IBM компьютерида Малоҳат ТОШОВА саҳифалади. Навбатчилар: Дилбар ХЎЖАЕВА, Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20. ИНДЕКС: 149, 150. Г-0821. Тиражи 23762. Г. 1 2 3 4 5 6 Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2.

«Шарқ» нашриёт матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси 41-уй

Босишга топшириш вақти -20.00. Топширилди — 20.00.